

200 дақиқа бепул

21:09 / 21.04.2017 3710

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Алҳамдулиллаҳ, ас-солату вас-саламу аъла Росулиллаҳ. Амма баъду.

Аллоҳ таоло инсонларга берган неъматларнинг ичида энг такрорланмаси, энг қимматлиси ва энг улуғи албатта ҳаёт неъматидир. Ҳаёт – бу вақт, умр дегани. Умр, вақт инсоннинг бу дунёдаги савдо таваридир, яъни инсон бу дунёда ниманидир оладиган бўлса, тасаввур қилсин ўшанга тўланадиган динор ва дирҳамларнинг ўрнида гўёки вақти бўлади. Инсон сотиб олаётган молдан фойда кўриши учун иложи борича камроқ пул сарфлаб кўпроқ нарса, сотиб олишга ҳаракат қилади. Бозорга чиққан инсон ҳам камроқ пул сарфлаб кўпроқ нарса сотиб олишга ҳаракат қилади. Лекин Аллоҳ берган энг улуг, энг азиз неъмат - вақтнинг қиймати билишмайди ва қадрига етишмайди. Гўёки биз вақтимизни ўша олаётган нарсамизга пул сифатида бераяпмиз. Умримиз кундан-кунга камайиб боряпти. Гўёки жамғарган пулимиз, маблағимиз, ҳазинамиз камайиб бораётганини тасаввур қилишимиз керак.

Аллоҳ таолонинг наздида ҳам вақт, умр ўта қийматлик нарса бўлгани учун бир қанча оятларда вақт ила қасам ичилган. Масалан, “Вал-фажр (тонг номи билан қасам)”, “Вал-аср (аср вақти билан қасам)” каби. Биз инсонлар шулардан ибрат олишимиз керак. Ҳозирги кунда дунёнинг қайси чеккасида бўлсин инсоннинг ҳаётини техниканинг энг ривожланган турларидан бири бўлган алоқа воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Мисол тарзида қўл телефонларини олиб кўрайлик. Деярли ҳар бир оилада бир нечтадан қўл телефонлари бор. Ҳаттоки макаб ўқувчилари, олийгоҳ талабалари ва кекса ёшдагиларда ҳам қўл телефонлари бор.

Ушбу мақолани ёзилишига бир воқеа сабаб бўлди. Бир куни бир танишим билан суҳбатлашиб ўтирганимизда ким биландир телефон орқали гаплашаётиб, нариги тарафдаги инсон буни телефонини қайси компанияга уланганини сўради шекили танишим телефони билан компанияси тегишли эканлигини, айтди. У бир ҳафтага бепул 200 дақиқам бор, бемалол гаплашавераман деб ҳурсанд бўлиб гапирди. Кейинчалик шу нарсага эътибор бердим ҳақиқатдан ҳам мана шу телефон алоқа компанияларида ҳар хил имтиёзлар бор экан. Масалан, баъзи бирлари

маълум маблағ эвазига мулоқот учун бир ҳафта муддатга 200 дақиқа текинга берилса, қайсидир компанияларда хабар жўнатиш учун 300 та sms ёки 300 дақиқа ёки 300 мб интернет бепулга берилар экан. Баъзиларда эса, 1000 дақиқа чиқиш қўнғироқлари бепулга берилар экан. Ёки баъзи бирларида туннинг маълум қисмида маълум бир мб интернетдан бепул фойдаланиш имтиёзи берилади. Инсонлар ҳудди манашу нарсани қидириб қайси компанияга аъзо бўлишга қизиқадилар. Қайси бир компанияда шундай имтиёзлар кўпроқ бўлса, ўша компаниядан телефон рақами олади ва шу компанияга аъзо бўлиб, кўпроқ шундай текин имтиёзлардан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Мени ажаблантирган нарса эса, “200 дақиқа бепул, бемалол гаплашаверамиз”, деган сўз бўлди. Шу 200 дақиқани Аллоҳ таоло берганини, шу 200 дақиқа бунинг умри эканини ва шу 200 дақиқа бекорчи нарсаларга сарф қилиниб, бекорга ўтиб бораётганини кўпчилик тасаввур ҳам қилиб кўрмайди. Ёки 300 мб интернетдан фойдаланишни олиб кўрайлик. Агар манфаатли ишларга сарф қилинса, 200 дақиқа бўлсин ёки 300 мб бўлсин ёки 1000 та sms бўлсин кишининг дунёси ва охирати учун манфаатли бўлган ишларга сарф қилинса, бу катта ютуқ, катта ғолиблик, мукофот ва ажру савобга сазовор бўладиган иш. Лекин инсон кўпинча бундай қилмайди. Бепул вақтим, бепул мегабайтим ва бепул sms бор деб ўша маълум муддат ичида нималарнидир гаплашишга, нималарнидир кўришга қизиқади. Унинг бутун фикру ҳаёли ўша берилган имтиёз вақтдан гўёки ўзича унумли фойдаланиб қолиб, ўша имтиёзларни тўлалигича тугатишга эътибор беради. Лекин шу имтиёзлар тугаб бориши билан унинг умри ҳам тугалланиб боришини тасаввур ҳам қилмайди.

Ачинарлиси, Аллоҳ таоло бандаларига шунча вақтни, умрни бепул ва беминнат бериб қўйганига банда шукр айтмайдида, турли хил имтиёзларни берган компанияларга ташаккурлар айтади. Уларга аъзо бўлади. Уларни ҳаққига ҳар хил мақтов сўзларни ишлатади. Мана биз инсонларнинг ожизлигимиз.

Азизлар, яна такрор айтамиз бу вақт гўёки динор ва дирҳамлар, яъни пулнинг ўрнига сиз нимани сотиб олаётганизга эътибор беринг. Аллоҳ таоло эртага бизга берган ҳар бир вақт, яъни ҳар бир дирҳам ёки динорни биз нима учун ишлатганимиз, нима учун сарф қилганимиз ва унинг эвазига нимани ҳарид қилиб олганимиз тўғрисида албатта савол-жавоб қилади. Ва бу савол-жавоб ниҳоятда оғир ва мушкул бўлади. Инсонни энг оғир жавоб берадиган саволи ҳам айнан шу вақтини ва умрини нимага сарфлагани

тўғрисида бўлади.

Шу ўринда умрни ғанимат билиш тўғрисида бир зарбулмасал келтириб ўтмоқчиман. Бир инсон ўрмонда кетаётган пайтда ортидан шер тушибди. У инсон шердан қочиб югура бошлабди. Шер ҳам унинг ортидан қувишни бошлабди. Қочаётган одам ўрмоннинг ичида эски бир қудуққа дуч келиб, унга ўзини отибди. Қудуқда арқонга боғланган челак бор экан. Ўша челакнинг ичига ўтириб олиб арқон аста бўшатиб қудуқнинг ичига тушиб кетибди. Шер қудуқнинг оғзига келиб у одамга қараб ўкириб турибди. Одам шердан қутулдим деб бир оз таскин топиб тепага қараб турган вақтида қудуқ остидан илоннинг овозини эшитиб қолибди. Қудуқнинг остида жуда катта илон бор экан. Инсон нима қилишини билмасдан, чора топа олмасдан яна ташвишга тушибди. Бу ҳам етмагандек унинг бошига яна бир мусибат тушибди, яъни челакнинг арқонини бири қора ва бири оқ сичқон кемира бошлабди. У инсон жон талвасасида у сичқонларни ҳайдашга ҳаракат қилибди. Улардан қутулиш учун арқонни у тарафга бу тарафга қимирлатиб кўрибди. Лекин сичқонлар ҳеч қаерга кетмабди. Тинмасдан кемира бошлашибди. У одам қараса арқон борган сари юпқалашиб бораётган экан. Арқоннинг толалари бирин кетин узилиб борибди. У одам бутун вужуди билан бу вазиятдан қутулиб кетиш учун чора ўйлаб турган вақтида оғзига тепадан кетма-кет асал томибди. Одам асални ялаб, унинг лаззатига берилб, иккала сичқонни ҳам тепада пойлаб турган шерни ҳам пастда уни кутиб турган илонни ҳам унутибди. Қаранг, у кишига асалнинг лаззати ҳамма нарсани унуттириб қўйибди.

Бу ҳикояни эшитган ҳар қандай инсон бу қандай ҳам нодон инсон экан дейиши муқаррар. Чунки, ақлли инсон ҳеч қачон томиб турган асалнинг лаззатига берилиб бундай ташвишларга беътибор бўла олмайди. Балки ақлли инсон бундай ташвишлардан қутулиш чорасини излайди. Биз ҳикояда келтирган асалнинг лаззатига берилган инсон, аслида бизмиз. Ушбу зарбулмасалдаги қаҳрамонларнинг баёнотини бирма-бир келтириб ўтамыз.

Шер – бу, ҳар биримизнинг ажалимиз. Ҳар доим оптимиздан қувиб юради. Қачондир унинг ўлжасига айланишимиз муқаррар.

Арқон – бу бизнинг ҳаётимиз. Ҳаётимиз гўёки осилиб турган арқон каби.

Илон – бу бизларнинг қабримиз. Албатта қачондир у арқон узилади ва биз қабрга тушамиз.

Оқ ва қора сичқонлар – бу бизнинг умримизнинг бўлаги бўлган кун ва тун. Ҳар қанча ҳаракат қилмайлик кун ва тунни тўхтатиб қола олмаймиз. Вақт кундан кунга камайиб, паёнига етиб боряпти.

Асал – эса бу ҳаётнинг лаззатлари. Биз шу ҳаёт лаззатларига берилиб бутун ғам ташвишни унутдик. Аслида эса асалга берилмасдан шер ва илоннинг чангалидан қутулиш ва арқонни узилмаслик чорасини қидирсак эди, албатта бунинг чораси чиқар эди. Арқон албатта узилади. Албатта шернинг чангалига тушамиз. Қудуқнинг остига қулашимиз, яъни қабрга киришимиз аниқ. Лекин ўша қабрни ҳозир, яъни дунё ҳаётида жаннатнинг бир боғига, қудуқ остини илоннинг маконига эмас, балки соя-салқин боғга айлантириш имконияти бор. Зотан Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга шундай имкониятни берди. У зотни ҳарсанг тошнинг устига қўйиб атрофидан олов ёққанларида Аллоҳ таоло оловга Иброҳим учун салқин, безарар бўлишини буйруқ қилди. Натижада шундай катта олов Иброҳим алайҳиссалом учун бир боғга айланди. У зот оловдан ҳеч қандай зарар кўрмадилар.

Азизлар, бизларда ҳам худди шундай имконият бор. Биз ҳам Иброҳим алайҳиссалом каби иймон эътиқод билан ҳаёт кечирсак, Аллоҳ таолога итоат этсак, Аллоҳ буюрганларини қилиб, қайтарганларидан қайтсак, албатта ўлим натижасида тушишимиз муқаррар бўлган жойимиз илонлару чаёнлар макони эмас, балки турли нозу неъматларга тўла абадий манзилга айланиши мумкин. Аллоҳ таоло тавфиқи билан, бизга берилган умрни ғанимат билиб унинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдалансак, эртага бу тўғрисидаги савол-жавобимиз енгил бўлиб, аҳли жаннатлардан бўлсак ажаб эмас.

Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу!

Олмазор тумани “Тўхтабой” жоме масжиди имом хатиби:

Исҳоқжон домла Бегматов